

Одатда, жаноб Френсис Баттерига тегишли китоб дўконининг ичкари хонасида кимматбахо китоб сотиб олган доимий мижозлар гилосдан тайёрланган брЭнди билан мехмон килинарни.

Жавонда турган хайкалчани томоша килаётган Эбернон хоним хайкалча остидаги ёзувни ўқиғач, сўради:

-Уилям Кордер ким?

-Ўтмишдаги машхур котил.

-Кандай дахшат! Нахотки жиноятчининг сопол хайкалчасини сотиб оладиган одам бўлса!

-Ок лой,-деди жаноб Баттери.-Стаффордшир. Мен буни дўконнинг олдинги эгасидан олганман.

-Кўпол иш.-Эбернон хонимга жиноятчининг бўялган хайкалчаси ёкмади.

-Буни Дрезденнинг чўпонлар хайкалчалари билан солиштириб бўлармиди?

Ёнокларидаги кўполлик билан суртилган бўёқларни каранг! Унинг ким эканлигини нима учун ёзишгани тушунарли: у шахзода ҳам, оддий дехкон ҳам бўлиши мумкин эди.

-Стаффордшир хайкалчалари аслига ўхшашлиги учун кадрланмайди.-Жаноб Баттери овозини баландлатди.-

Улар беўхшов бўлади, аммо ишонаманки, улар жозибали хайкалчалар.

-Азизим,-табассум килди Эбернон хоним,-бу оддий хаваскорнинг иши.

Эх бу кирк ёшли аёллар! Баттери ўттиз тўртга кирган, бўйдок, жиддий эркак эди. Тўгри, у аёллар билан муносабат хақида жуда кўп нарсани биларди-дўкон оркасидаги хонада бу мавзуга багишланган сон-саноксиз китоблар бор эди, аммо жаноб Баттери бу китобларда ёзилган нарсаларни амалда кўллаб кўрмаганди. Эхтимол, хали хаммаси олдиндадир.

-Стаффордшир хайкалчалари,-гапида туриб олди у,-бизга аждодларимиз нималар билан шугулланишганини эслатиб туради.

-Котиллик билан.-Эбернон хонимнинг кулгиси жаранглади.

-Хўш, жаноб Кордер сизнинг жавонингиздан жой олиш учун қандай каромат кўрсатган?

-О, у ярамас одам бўлган. Бу воқеа 1827 йилда Саффолк графлигидаги кишлокда юз берган. У йигирма бир ёшида Мария исмли бир кизнинг бошини айлантиради. Кейин уни кишлок четдаги омборда ўлдиради. Кордер икки кундан кейин кишлокдагиларга Мария Ипсвичда яшаётганлигини айтади. Кейин эса ўзи ҳам ўша ёкка кетади.

-Унинг гапларига ишонишадими?

-Кизнинг онасидан бошка хамма. Онаси тушида кизининг ўлдирилгани ва омборхонага кўмиб кўйилганини кўрганини айтади. Ростдан ҳам кизнинг жасадини омборхонадан топишади. Кордер хибсга олинади ва осиб ўлдирилади.

-У неча пул туради?

-Кордернинг хайкалчасими? Билмадим. Бир неча фунт турса керак.

Эртасига Эбернон хоним яна жаноб Баттерининг дўконига келди.

-Сиз менга миннатдорчилик билдиришингиз мумкин,-деди у.-Сўраб-суриштирдим:

стаффордшир хайкалчалари коллекционерлар тўплайдиган хайкалчалар сирасига кираркан.

-Буни билардим.

-Лекин сиз айнан жиноятчиларнинг хайкалчалари зўр сотилишини билмасдингиз. Кордер ноёб хайкалча экан! Дунё бўйича бу хайкалча бор-йўги бир неча нусхада экан.

-Бунга ишончингиз комилми, Эбернон хоним?

-Дугонам менга китобларни кўрсатди. Мамлакатимизда фақат Виктория ва Алберт музейи билан Степлфорд-паркдаги Миллий фонддагина стафффордшир хайкалчалари коллекцияси бор экан. Лекин уларнинг иккаласида ҳам Кордер йўқ экан.

Баттери юзлари кизиётганини хис қилди.

-Демак, менинг хайкалчам қимматбаҳо экан-да?

-Дугонамнинг айтишича, Лондондаги энг катта қимматбаҳо савдосида бу хайкалча қимматбаҳо минг фунтга сотилиши мумкин экан.

-Ё Худо!

Эбернон хонимнинг юзлари яшнаб кетди.

-Хозирги давр учун минг фунт унчалик катта пул эмас, лекин йўқдан кўра яхши, шундай эмасми?-У бу гапни худди Баттери аёлнинг пулдор кўшнисидек айтди.-Хайкалчани қимматбаҳо савдосига олиб бориш.

-Бу маълумотингиз учун сиздан қарздорман.

Эбернон хоним сирли жилмайди:

-Ўзингизни қарздордек хис қилмасангиз ҳам бўлади. Сиз мени доим илтифот билан қўли оласиз, меҳрибонсиз, сиздан хатто буни бирор италян ресторанида ювишни талаб қилишга ҳам ҳижолат бўламан.

-Яхши фикр!-хитоб қилди Баттери.-Агар эрингиз қаршилик қилмаса...

Аёл энгашиб, унинг қўлларига охишта шивирлади:

-Унга айтмайман, азизим Баттери.

Баттери аёлнинг бунчалар яқинлашганидан қўлларини, ўтирган стулига қапишиб қолди.

-Агар бизни кўриб қолишса нима бўлади? Мени Хайстритда қўлчилик танийди.

-Ҳақсиз,-деди Эбернон хоним.-Шерридан қўпроқ ичиб қўйибман шекилли. Унутинг...

-Ақсинча,-деди Баттери.-Агар минг фунтга бойисам, сизга миннатдорчилик

билдиришнинг йўлини топаман.

У чоршанба куни ёрдамчиси Жеймсга дўконга қараб туришни тайинлади, ўзи эса эрталаб туриб Кордер хайкалчасини қўлга олишга жўнлади ва Лондонга йўл олди...

Баттери қўли ичидан хайкалчани олганида ҳаяжонланганидан мутахассиснинг нафаси

чикмай қолди. Бу у кўрган илк Уилям Кордер хайкалчаси эди. У Баттерига бир неча

турдаги стафффордшир хайкалчалари борлигини, Кордер хайкалчалари эса дунё бўйича бор-йўғи уч-тўрт дона эканлигини айтди.

Буни эшитиб Баттерининг томоғи қўриб қолди.

-Неча пул таклиф қиласиз?

-Бугун буни саккиз юз фунтга сотишим мумкин, аммо қимматбаҳо савдосида қимматроққа сотса бўлади.

-Минггами?

-Савдо юришса, бундан ҳам қимматроққа.

-Кейинги қимматбаҳо савдоси қанча бўлади?

Мутахассис унга савдо қилгани хақида батафсил маълумот берди. Бир неча ой қўлиши

қўради. Мутахассис истамайгина қимматроқ кўнгирак қилди ва янаги ойга, яъни беш

ҳафтадан кейин Кордер қимматбаҳо савдосига қўйилишини маълум қилди...

Икки кундан сўнг Эбернон хоним яна дўконда пайдо бўлди ва янгиликни эшитди.

-Хурсандман.

-Мен эса сиздан миннатдорман!-Ва Баттери Лондондан қайтаётиб тайёрлаб қўйган

таклифини айтди:-Келаси чоршанба куни сизни мен билан бирга тушлик килишга таклиф этаман.

Эбернон хоним кошларини чимирди.

-Лекин менимча бундай фикрни инкор килгандик шекилли.

-Биз Эпсонда, ҳеч ким танимайдиган жойда учрашишимиз мумкин.

Аёл оппок тишларини кўрсатиб кулди:

-Ажойиб! Кимошди савдосини кутамиз. Савдо қачон бўлади дедингиз?

-Ўн бешинчи майда. Жума куни.

-Ўн бешинчида? Эҳ, афсус! Ўн олтинчи куни мен Франтсияга кетаётувдим.

-У ерда қанча бўласиз?-Баттери умидсизлигини яширолмади.

-Бир ойча.

-Ерингиз сиз билан борадими?

-Биз доим алохида-алохида дам оламиз... Сиз-чи, саёҳат килишни ёқтирасизми, жаноб Баттери?-У шерридан хўплади ва ишва билан қаради.-Мен тарихий жойларга боришни ёқтираман ва бир неча кун Орлеанда бўлгач, кейин Луар бўйлаб ҳаракатланаман.

-Мен ҳам шундай қиламан. Франтсияда учрашиш ва галабамизни ўша ерда нишонлашни тасаввур қиляпсизми?

Аёл худди овозсиз кино юлдузидек хайратини ифодалади:

-Аммо дўқонингиз-чи?..

-Жеймс қараб туради. Келинг, хозирок учрашув белгилаймиз. Ўн саккизинчи май куни туш пайтида Орлеандаги черков олдида учрашамиз.

-Нимага ўн саккизинчи май куни?

-Уилям Кордер шарафига қадах кўтариш учун. У кизни ўша куни ўлдирган.

Эбернон хоним жилмайди.

-Сиз ва сизнинг котилингиз!-У бир оз ўйлангач, жавоб килди.-Яхши. Ўн саккизинчи майда. Агарда хайқалчангиз сотилса.

-Савдо қандай бўлишидан қатъи назар, мен ўша ерда бўламан,-ваъда берди Баттери.

Аёл унинг лабларидан енгил бўса олди.

Эбернон хоним кетгач, Баттери физиология ва анатомия бўйича китоблар турадиган жавон олдига борди ва ўзига керакли китобларни олди. У ўн саккизинчи май куни ўзининг тажрибасизлигини намоён этмокчи эмасди...

Хафтала Баттери учун чидаб бўлмас даражада секин ўтарди. У аллақачон паромга чипта ва сайёҳлик чекларига буюртма бериб қўйганди. Бир неча йилдан буён биринчи марта бир неча янги қўйлақ, бўйинбоғ, қўк нимча ва бир жуфт оппок шим сотиб олди.

Ўн бешинчи май куни Баттери унга сирли висол окшомини тақдим этувчи кимошди савдосига етиб келди. У бундай имконият ҳақида бир умр орзу қилган, аммо топиш-тутиши бунга йўл қўймасди. Аёл ўта бой ва аслзода хоним бўлиб, уни энг қиммат вино ва таомлар билан меҳмон қилиш лозим эди.

-Хўш, икки юз саксон еттинчи буюм... Машхур жинойтчи Уилям Кордернинг стаффордшир хайқалчаси...

Хаяжондан Баттерининг миясига гупиллаб қон урилди. У кўзларини юмиб олди.

-Минг фунт!

Жаноб Баттери тасаввур қилди: меҳмонхона ётоғи, қўлида шампанли қадах тутиб турган Эбернон хоним...

-Бир минг икки юз эллик. Қим ошади? «Хадсон ва Блек» компаниясига сотилди.

Уч кундан сўнг қўк нимча ва оппок шим қийиб олган Баттери қелишилган жойда турарди.

Пуштиранг кўйлак ва сомон шляпали Эбернон хоним йигирма дакикадан кейин келди. Баттери унга сахарлаб сотиб олган гулини узатди.

-Ажойиб!-деди аёл.-Азизим, сиз бекиёссиз!

-Мен «Отел де Вилл»да столга буюртма бериб кўйдим. Сиздан миннатдорман. Кордер сотилди.

Тушлик узокка чўзилди. У шампан буюрди, таомлар хам тансик эди.

Уч соатлардан кейин улар ширакайф холда кўчага чикишди. Баттери сохил бўйлаб сайр килишни таклиф этди. Улар йўлда чой салонига киришиб, лимонли чой ичишди.

Аста-секин куёш бота бошлади.

-Ажойиб кун бўлди,-деди Эбернон хоним.

-Хали тугагани йўк. Сизни кечки овкатга таклиф киламан.

-Бунча овкатдан кейин яна овкат еёлмайман!

-Унда кечкурун овкатланамиз.

Аёл бош чайкади:

-Мен эрта ётишга одатланганман.

-Яхши фикр,-илжайди Баттери.

У таксига чикишни таклиф килди ва аёлнинг кайси мехмонхонага жойлашганини сўради.

-Мен черков олдига бораман, у ёғига пиёда етиб оламан. Ўзингиз хам тезда бирорта мехмонхонага жойлашинг.

Баттери асабий кулди: афтидан, аёл осонликча кўлга киритиладиган ўлжага ўхшамайди.

-Мен ўйловдимки...-У вазиятни кўлдан бой берганини хис килди. Катъиятлирок бўлиш керак эди. Бу аёлга у нимани хохлаётганини биладиган ва ташаббусни ўз кўлига оладиган эркак керак.

Аёл машинага ўтираркан, ширин табассум килди:

-Эртага туш пайти черков олдида кутаман. Хайрли тун.

Баттери такси эшигини ёпди ва хоргин кадам ташлади. Эртага катъийрок харакат килиш керак. Умуман олганда, бир тун минг тунмас.

Эртасига эса Баттери учрашувга белгиланганидан беш дакика кеч келди. Аёл уни кутиб турарди. У аёлни кучоклаб, лабларидан ўпиб кўйди.

-Бугун янада ажойиб жойга борамиз.-У аёлнинг кўлидан махкам ушлаб олди.

Бу жазоирликлар ресторани эди.

Соат учларда Эбернон хоним безовталана бошлади:

-Хаммаси ажойиб, аммо кетишим керак. Мехмонхонага кайтишим шарт, сочларимни ювишим керак. Соат бешга эса массаж ва педикюр белгиланган.

-Бунга канча вақт кетади?

-Бунинг ахамияти йўк. Таътилнинг бор завки шунда эмасми?

Баттери эътироз билдириши мумкин эди, аммо бутунлай гангиб колганди.

-Эртага кечки пайт учрашишимиз мумкин,-деди Эбернон хоним.

-Буни ростдан хам истайсизми?-Баттери тушкунлигини яширолмади.

-Азизим, бундан бошка нарсани ўйламайман.

Муаммонинг ечими йўқдек эди. Эбернон хонимга овкатланишгина ёкарди, холос. У

Баттерини хар куни турли бахоналар билан ташлаб кетарди: гоҳ сартарош, гоҳ тиш огриги, гоҳ нокулай поябзал. Аёл унинг тунги учрашувга оид барча таклифларини рад этарди.

Баттерининг чеклари дахшатли тезликда тугаб борарди. У темир йўл стантсияси

ёнидаги камтарона мехмонхонадан жой олган, аммо окшомларни ёлғиз ўтказгани учун

барда кўп ичиб кўярди. Нихоят, тугаётган пуллар ва сўнаётган умидлар уни режа тузишга мажбур килди.

Жума куни улар Орлеаннинг энг яхши балик ресторанида ўтиришарди. Эбернон хоним навбатдаги бахонасини айтишга улгурмасдан Баттери тезда гапириб олди:

-Сизни мехмонхонангизга кузатиб кўяман.

Аёл таажжубланганча кўзларини пирпиратди.

-Мен эртага кетаман, нарсаларимни йигиштиришим керак,-гапида давом этди у ва офитсиантга имо килди.

-Каерга кетяпсиз?

-Хозирча аникмас. Мени Орлеанда хеч нарса ушлаб тургани йўк.

-Мен хам Турга кетмокчи бўлиб турувдим. Айтишларича, у ерда зўр овкатлар килишаркан. Борасизми?

-Ўйлаб кўраман.

кўчада Баттери такси тўхтатди ва Эбернон хонимга эшикни очди.

-«Шарлеман» мехмонхонасига,-деди у хайдовчига аёлнинг таажжуб билан караганини сезаркан. У аёл турган мехмонхонанинг номини топишга кийналмади. Массаж ва гўзаллик салони хизматларини таклиф этадиган мехмонхоналар кўп эмас.

Баттери кизил атиргуллар гулдастасини сотиб олди ва мехмонхонасига кайтди. Соат еттиларда «Шарлеман» мехмонхонасига кўнгирок килди ва Эбернон хоним билан боғлашларини сўради. Аёл гўшакни олганида у фронтсузча талаффуз билан хитоб килди:

-Ие, инглизмисиз? Бу нечанчи хона ўзи? Кечирасиз, хоним, адашибман.

Икки соатдан сўнг у «Шарлеман» мехмонхонасига етиб келди ва лифтда олтинчи каватга кўтарилди. Йўлак бўм-бўш эди. У 657-хонани топди ва юзини гулдаста билан тўсганча эшикни такиллатди.

Бир оздан сўнг эшик кия очилди. Баттери эшикни итариб ичкарига кирди. Ок халат кийган, бошига сочик ўраган ва юзига никоб чаплаган Эбернон хоним хайрат билан гулдастани кўлига олди.

-Жаноб Баттери! Мен ётмокчи бўлиб турувдим.

-Жуда яхши.-У эшикни ёпди.

-Зудлик билан хонамдан чикиб кетинг!

Баттери кулди.

-Юзингиздаги кремга карши эмасман. Бу менга халакит килмайди.-У аёлнинг бошидаги сочикни юлкиб олди.

Эбернон хоним унинг юзига гулдаста билан урди.

-Йўқолинг!

-Бу гапни шунчаки айтяпсиз-а, азизам? Аслида эса колишимни истаяпсиз. Вактимизни жуда яхши ўтказдик. Киммат таомлар... Сизга пулларимни сарфладим.

-Мен сотилмайман.

-Гап бундамас. Сиз менга ёкасиз ва мен хам сизга ёкаман деб ўйловдим.

-Мен оилали аёлман.-Аёл ортига тисарилди.-Мен бу нарсани истамайман. Мен шунчаки кимдир мен билан кунни ажойиб ўтказишини хохлагандим, холос.-Ва шу ерда у машъум хатога йўл кўйди.-Сиз хавфсиз бўлганингиз учун мен айнан сизни танлагандим. Хар қандай аёл сиз билан бўлиш хавфсиз эканлигини айтиши мумкин.

-Хавфсиз?..-Баттерининг юзи бужмайиб кетди.-Хавфсиз?!-Унинг мияси лўкиллай

бошлади: бу аёл унинг орзусини ўлдирганди. Энди у хеч қачон бирорта аёлга яқинлаша

олмайди! У бу аёлни мана шунинг учун ёмон кўриб кетди. Худди Кордернинг хайкалчаси учун олган пулларига еб-ичгани учун ёмон кўргани каби.

У индамай аёлнинг томогига чанг солди.

«Шарлеман»даги котиллик хакида барча фронтсуз газеталари бонг урди. Политсия мархума билан бирга Орлеаннинг бир нечта ресторанларида бўлган эркакни кидира бошлади. Эркакнинг ташки кўриниши ҳам тасвирланганди: инглиз миллатига мансуб, ёши ўтган, сочлари оқарган, бўйи беш фут саккиз дюйм, кўк нимча ва ок шим кийган.

Баттери бу тасвирлаш унчалик тўғри эмаслигини биларди. Унинг бўйи беш фут тўккиз дюйм, ок сочлари деярли йўк, ёши ҳам энди ўттиз тўртда эди. Нимча ва шимини у Луарга улоктирди.

У инглиз тупрогига кадам кўйганида ўзини енгил хис килди. Бирок бу узок чўзилмади: божхона офитсери уни сўроқка тутди.

-Франтсиянинг каерида бўлдингиз?

-Луар водийси бўйлаб саёхат килдим. Анже, Тур, Пуате.

-Орлеанда-чи?

-Йўк, менга у ерда томоша киладиган жойлар унчалик кўп эмаслигини айтишганди.

-Якинда юз берган котиллик хакида эшитдингизми?

-Сал-пал. Франтсузчани унчалик яхши билмайман.

-Бир инглиз аёли мехмонхонада бўғиб ўлдирилган. У айнан сизнинг шахрингиздан бўлган.

Баттери ўзини хайрон бўлганга солди:

-Йўг-е? Исми нима экан?

-Милдред Эбернон. Саёхатингиз давомида уни учратмадингизми?

-Эбернон. Хеч қачон эшитмаган эканман.

-У холда сизни бошка тутиб турмаймиз. Сок бўлинг.

Поездда уйига кайтаркан, Баттери воқеага политсия нуктаи назаридан карашга уринди. Франтсияда уни котиллик билан боғлайдиган хеч қандай из йўк эди. Улар факат тушлик пайти учрашишган ва хар сафар турли ресторанларда. Мехмонхонада қолдирган барча бармок изларини артиб ташлаган. Эбернон хоним билан битта шаҳардан эканлиги эса уни айблайдиган далил бўлолмайди. Факат хотиржамликни сакласа бўлди.

Уни перронда политсиячи тўхтатганда эти бир жимирлади.

-Текширув, сер. Таксига пул сарфлаб юрмаслигингиз учун сизни уйингизга ўзимиз олиб бориб кўямиз. Дуврда сиз Эбернон хонимни танимаслигингизни айтгансиз. Бу аёлни хеч қачон кўрмаганмисиз?

Баттери ношушлик юз беришини хис килди.

-Ехтимол кўргандирман, лекин исмини билмаслигим мумкин-дўконга хар куни қанча одам келиб-кетади.

-Биз унинг уйидан жуда кўп китоб топдик ва эри бу китобларни у сизнинг дўконингиздан олганини айтди. Дўконингиздаги савдоларни қайд қилиб борасизми?

-Агар чек билан пул тўлашса.

-Қайд дафтарингизни кўрсак бўладими?

Дўкон ёпиладиган вақт бўлса-да, Жеймс хали ҳам шу ерда эди. Баттери у билан бош иргаб саломлашди ва политсиячи билан орқадаги хонага кадам ташлади.

-Таътил яхши ўтдимиз, жаноб Баттери?-кичқирди Жеймс.-Столингизда почта турибди.

Баттери жавондан қайд дафтарини олди ва политсиячига узатди. Аммо у дафтарни олмади. Унинг нигоҳи жаноб Баттерининг столи устидаги поябзал кутисидек жўнатмада

эди.

-Сизга кимдир совга жўнатганга ўхшайди, жаноб Баттери.

Баттери кути ичига каради ва Кордер хайкалчасини кўриб ажабланди. Кути ичида Кордерни кимошди савдосида сотиб олган «Хадсон ва Блек» компаниясидан келган хат бор эди. Хатда уларнинг мижози Кордер хайкалчаси кимошди савдосидан сўнг ташриф варакаси билан бирга хайкалча эгасига совга тарикасида жўнатилишини сўрагани ёзилганди.

Политсиячи кутидан ташриф варакасини олди ва ундаги ёзувни ўқигач, Баттерига узатди.

«Сиз жудаям олижанобсиз. «Меҳрибончиликларимнинг кадрига етмаяпти» деб ўйламанг. Хавотирга ўрин йўқ, яхшиликларингизни кайтаришга қурбим етади. Милдред Эбернон».

Мактуб охирида эса куйидаги сўнгсўз бор эди: «Котилингизни ўзингизга кайтардим».

Рус тилидан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.